

Шартнома № 12-НК/2022
солиқ маслаҳати хизмати кўрсатиш бўйича

«08» июль 2022 йил

Андижон шаҳри

Бир томондан ўз Низоми асосида фаолият юритаётган «**SOLIQ ISHONCH NAMKOR**» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги солиқ маслаҳатчилари ташкилоти номидан жамият раиси **Ж.М.Абдуллаев**, кейинги ўринларда «**Бажарувчи**» деб юритилади ва иккинчи томондан «**Auto Spring Components**» МЧЖ номидан унинг Низоми асосида иш юритувчи Бош директори в.в.б. **Н.Р.Ахмедов** кейинги ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритилади, ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

1. Шартноманинг предмети

1.1. Мазкур ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**» нинг топшириғига кўра Шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, «**Буюртмачи**» эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. «**Бажарувчи**» «**Буюртмачи**»нинг мурожаатларига (ёзма, оғзаки, телефон, интернет тармоғи орқали) асосан ушбу шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддат давомида доимий солиқ маслаҳати хизматини (мижозга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат бериш, солиқ ҳисоботларини тузишда амалий ёрдам кўрсатиш) шунингдек «**Буюртмачи**»нинг мурожаатига асосан бухгалтерия ҳисоби, молия-ҳўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиб боради.

1.3. Хизматлар кўрсатиш муддати: 2022 йил "08" июлдан 2023 йил "07" июлгача

1.3.1. Хизматлар «**Буюртмачи**» ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоботлар (хулосалар) қабул қилингандан кейин кўрсатилган деб ҳисобланади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. «**Бажарувчи**» нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизматларни лозим бўлган даражада бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатда доимий кўрсатиш.

2.1.3. Агарда хизматлар кўрсатишда хато ва камчиликларга йўл қўйилган бўлса, ушбу хато ва камчиликларни «**Буюртмачи**» нинг талабларига асосан бепул бартараф қилиш;

2.1.4 «**Буюртмачи**»нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган усуллари ҳамда воситаларидан фойдаланиш;

2.1.5 Солиқ маслаҳатини амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиш;

2.1.6. Хизматларни солиқ маслаҳати соҳасида етарли малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар орқали амалга ошириш.

2.1.7 «**Бажарувчи**» бажарилган иш, хизматлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича «**Буюртмачи**»га ҳисобот тақдим этиб боради.

2.2. «**Бажарувчи**» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.2.1 «**Буюртмачи**»дан солиқ маслаҳатини амалга ошириш жарёнида зарурият туғилганда тегишли бўлган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олиш;

2.2.2 Солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича «**Буюртмачи**»дан оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш;

2.2.3 Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг вакили сифатида давлат солиқ хизмати органларида, шунингдек солиққа оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш олиб бориш;

2.2.4 «**Буюртмачи**» солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, шунингдек шартноманинг 3.1.,3.2. бандларида кўрсатилган тўловларни амалга оширмаган тақдирда солиқ маслаҳати беришни рад қилиш.

2.3. «**Буюртмачи**»нинг мажбуриятлари:

2.3.1. «**Бажарувчи**» томонидан тақдим этиладиган, кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобот (хулосалар)ни тақдим этилган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида қабул қилганлиги тўғрисида имзолаш;

2.3.2 Мазкур шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган шартнома қийматининг 1/12 қисми миқдоридан ҳар ойда ойнанинг 5-санасига қадар аввалги ойлари учун тўловларни амалга ошириш.

2.3.3. Кўрсатилган хизматлар бўйича хулосалар, маълумотлар ва бошқа ахборотлар индивидуал характерга эга бўлиб, уларни солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан келишилмаган ҳолда ва унинг руҳсатисиз тарқатмаслик.

2.3.4. Шартномани бажаришдан воз кечилганда, шартномани бажаришдан воз кечилгунга қадар кўрсатилган хизматлар учун «**Бажарувчи**»га ҳақ тўлаш.

2.4. «**Буюртмачи**» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.4.1. Ҳар қандай вақтда «**Бажарувчи**»нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориши жараёни ва сифатини текшириш.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоблашнишлар тартиби

3.1. Мазкур шартнома бўйича солиқ маслаҳати хизмати учун йиллик тўлов қиймати Қўшилган қиймат солиғи билан 41 400 000,00 (Қирқ бир миллион тўрт юз минг сўм, 00 тийин) сўмни ташкил қилади.

3.2. «**Буюртмачи**» томонидан «**Бажарувчи**»га шартнома қийматини тўлаш «**Бажарувчи**»нинг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига ушбу шартноманинг 2.3.2. бандида назарда тутилган миқдорда пул маблағларини қўчириш йўли билан амалга оширилади. Бунда «**Бажарувчи**» ойлик иш ҳажми кўпайишидан ёки иш ҳажми кам бўлишидан катъий назар тўловлар миқдорини ўзгартирмайди.

3.3. «**Буюртмачи**» ушбу шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган тўловларни олдиндан амалга ошириши мумкин.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 2.3.2-бандида кўрсатилган тўлов муддатини бузганлиги учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ўз вақтида тўланмаган сумманинг ҳар бир тўлов муддати кечиктирилган кунлари учун 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди.

4.2. Пеня тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этилмайди.

4.3. Ушбу шартномада белгиланган шартларни бажармаган ёки талаб даражасида бажармаган томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида жавобгардир.

4.4. «Бажарувчи» томонидан солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш оқибатида миқдорга (ишонч билдирувчига) зарар етказилса, шунингдек, миқдорга (ишонч билдирувчига) солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш натижасида учинчи шахс бўлган бошқа солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилса миқдорга (ишонч билдирувчига) ҳамда учинчи шахс бўлган бошқа солиқ тўловчига етказилган зарар суд томонидан ўз тасдиғини топган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади, лекин шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

- Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги хусусидаги суғурта шартномасига биноан суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи **18.05.2022 йилдаги № 02-02/2022/66-157-сонли суғурта полиси** мавжуд.

4.5. Солиқ маслаҳати бўйича хизмат кўрсатиш оқибатида етказилган зарар миқдор (ишонч билдирувчи) томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларни ишончсизлиги оқибатида юзага келса жавобгарлик «Бажарувчи»ни зиммасига юклатилиши мумкин эмас. Бунда етказилган барча зарар учун «Буюртмачи» жавобгар бўлади.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, Тарафлар низоларни бартараф қилиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг уларни иқтисодий судига кўриб чиқишга топширишга ҳақлидирлар.

6. Форс-мажор

6.1. Агар шартноманинг бажарилмаслиги сабаби, шартнома тузилгандан сўнг юзага келган сув тошқини, ёнғин, zilзила ва бошқа табиий офатлар оқибати хисобланса, томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаганлик учун жавоб бермайди. Форс-мажор ҳолатлари содир бўлган тақдирда шартноманинг муддати ушбу ҳолат даврига доир узайтирилади, лекин ушбу муддат 3-ойдан ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Томонлар муқобил ечимлар масаласини кўриб чиқади ёки шартнома ижроси тўхтатилади.

6.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда томонлар исботловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда иккинчи томонга 5 кун мобайнида ҳабар беради.

7. Коррупцияга қарши шартлар.

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига.. йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги ва ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари юзасидан оқилона чоралар кўради. Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, ружсатномалар ва бошқа ружсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

8. Яқуний қондалар

8.1. Ушбу шартнома имзоланган вақтдан эътиборан кучга киради ва ўзаро ҳисоб-китоблар тўлиқ бажарилгунга қадар кучда бўлади.

8.2. Мазкур Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, Тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур Шартнома томонларнинг истагига кўра бекор қилиниши мумкин. Бунда шартномани бекор қилишни истаган тараф иккинчи тарафни 10 иш куни аввал расмий хат орқали огоҳлантириши лозим.

8.4. Мазкур Шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха ҳам айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Бажарувчи»

«SOLIQ ISHONCH NAMKOR» МЧЖ

Андижон ш. Ўразалиев кўчаси 8-уй.
Х/Р: 2020 8000 7050 3177 6001
ЧЭКИ «НАМКОРБАНК» АТБ Нодирабегим филиали
МФО: 00079; СТИР: 302 554 567; ХХТУТ: 84500
Солиқ маслаҳатчисининг малака сертификати
№ 00083 02.03.2013 йил Ўз.Респ. МВ.
Тел: +998 90 254 04 56, +998 93 416 01 48.
e-mail: Soliqishonchhamkor@mail.ru

Жамият раиси:

(ИМЗО)

Ж.М. Абдуллаев

(ФИО)

«Буюртмачи»

«AUTO SPRING COMPONENTS» МЧЖ

Андижон ш. Лермонтов кўчаси 4-уй.
Х/Р: 2020 8000 4052 9505 2001
АТБ «INFINBANK» Андижон филиали
МФО: 01114; СТИР: 307843038; ОКЭД: 29320

тел: +998 90 572 88 99

e-mail: i.dadaboyev@autospring.uz

Бош директор в.в.б.:

(ИМЗО)

Ахмедов Н.Р.

(ФИО)



Коррупцияга қарши курашиш бўйича Келишув

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир тараф иккинчи тараф ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса ва бу ҳолат иккинчи томонни огохлантиргандан сўнг мазкур ҳолатлар бартараф этилмаган тақдирда, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини бевосита хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Бажарувчи:

«SOLIQ ISHONCH NAMKOR» МЧЖ

Раиси:

Ж.М.Абдуллаев

08.07.2022 й.





Буюртмачи:

08.07.2022 й.



Лист согласования условий договора № 12-НҚ/2022 от 08.07.2022 г.
 Между ООО «Auto Spring Components» и ООО «Soliq Ishonch Hamkor»

Предмет контракта	Солиы маслахатлари хизмати. ЎзРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунга кўра e-tender.uzex.uz платформасида Энг яхши таклифларни қабул қилиш тартиб-таомилига кўра электрон ўтказилган танлашнинг 05.07.2022 йил санасидаги протоколига асосан шартнома тузилмоқда			
Общая сумма контракта	41 400 000,00 UZS			
Условия оплаты	100% по факту (каждый месяц)			
Условия поставки	Оказание услуги			
Срок выполнения	1 год			
Начальник отдела Закупок	Ф.И.О	Юлдашев Ш.Р.	Подпись	
Согласовано	Мнение			Подпись
Зам. генерального директора по экономическим вопросам				
Главный бухгалтер				
Начальник отдела локализация и новых проектов				
Юрист				

Информация о размещении на специальный информационный портал Государственных закупок

Номер лота	Дата	ФИО размещающего	Подпись



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA
GUVOHNOMA

СВИДЕТЕЛЬСТВО
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ

QOS RO'YXAT RAQAMI
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 303010179916

Mazkur guvohnoma QOS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QOS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi


Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi
Наименование налогоплательщика "SOLIQ ISHONCH HANJKOR" MCHJ

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami
Идентификационный номер налогоплательщика 302554567

Shaxs QOS soliq to'lovchisi bo'lgan sana
Дата с которой лицо становится плательщиком НДС 01.02.2022

Ro'yxatdan o'tish sanasi
Дата регистрации 26.01.2022



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

SOLIQ MASLAHATCHISINING
MALAKA SERTIFIKATI

№00083

2013 yil, 27-fevral 28-sonli O'zbekiston Respublikasi moliya vazirligining buyrug'iga muvofiq ushbu sertifikat

Abdullayev Jaxongir

Maxamadazizovichning

pasport: AA 1746882 Andijon viloyati Andijon shahar 2-MB
05.06.2013 y. berilgan

O'zbekiston Respublikasi hududida to'yxatdan o'tirilgan soliq maslahatchilari tashkiloti orqali soliq maslahat bo'yicha xizmat ko'rsatish huquqini tasdiqlaydi.

Mazkur sertifikat pasport taqdim etilganida hujjat beruvchi
Vakolatli shahs Mirzaev M.M.

Sertifikat berish sanasi 2013 yil, 02-mart

Reestr bo'yicha ro'yxat raqami 00083

Toshkent

Xujjatning xaqiqiyligini tekshirish: www.verify.uz
E-mail: verify@verify.uz



КВАЛИФИКАЦИОННЫЙ СЕРТИФИКАТ
НАЛОГОВОГО КОНСУЛЬТАНТА

№00083

В соответствии с приказом Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 февраля 2013 года №28 настоящим сертификатом подтверждается право

Абдуллаева Жaxonгира

Махамдазизовича

паспорт: AA 1746882 выдан 05.06.2013 г. 2-м ОМ г. Анджана
Анжнанской области.

оказывать услуги по налоговому консультированию от имени организации налоговых консультантов, зарегистрированной на территории Республики Узбекистан.

Настоящий сертификат действителен при предъявлении паспорта.

Уполномоченное лицо Мирзаев М.М.

Дата выдачи сертификата 02 марта 2013 года

Порядковый номер по реестру 00083

Ташкент

Проверка подлинности документа: www.verify.uz E-mail: verify@verify.uz





Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Реестрдаги тартиб рақами № 65 № -

2013 йил «27» Март

Мазкур гувоҳнома фирма номи «SOLID ISHONKON

НАМКОР» МУЖ шаклидаги солиқ

Мастиқотилардаги тасовиқоти

бўлган юридик

(Ўзбек тилидаги тўлиқ ва қисқартirilган фирма номи)

шахса Андикон вилоят адлия бошқармаси томонидан берилди.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли:

ТХШ

113

Мулкчилик шакли:

МШ

142

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига почта манзили:

МҲОБТ

1703401

Юридик шахс коди:

КТУТ

23858820

Давлат рўйхатидан ўтказиш санасига Асосий фаолият тури коди:

ХХТУТ

84500

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

СТИР

302574567

Қўшимча маълумотлар:

М. Ҳ.

Ваколатли орган раҳбари

(ИМЗО)